




2-беп

3-беп

4-5-беплар

7-беп



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 195 (9.998)

2003 ЙИЛ 6 ОКТЯБРЬ

Ампутант — ногиронлар ўртасида футбол бўйича VI жаҳон чемпионати қатнашчилари ва меҳмонларига

Қадри дўстлар!
Барчангизни — меҳмондўст Ўзбекистон диёрида илк марта ўтказилган чемпионат қатнашчилари, ташкилотчилари ва меҳмонларини кутлаш менга катта мамнуният бахш этади. Шунинг алоҳида қайд этиб ўтишни истардимки, ўзбек халқи ўзининг асрлар мобайнида қарор топган ва мустақиллик йилларида ривожланган меҳр-шафқат ва бағрикенглик анъаналари билан шўхрат қозонган.

Биз спортни ривожлантиришга, спортчиларимизнинг мусобақаларда иштирок этишига алоҳида эътибор бериб, халқаро чемпионатларни ташкил этар эканмиз, сизларнинг бугунги чемпионатингиз, умуман спорт, мусобақа майдонларидаги беллашувлар руҳи тинчликни ҳамда инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳурматни мустаҳкамлашни яхши биламиз.

Бизнинг мамлакатимиз бундай мусобақалар ташкил қилишга ҳамisha эътибор берган ва катта эътибор бериб келмоқда ҳамда икки марта олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган ўз футболчиларининг ютуқлари билан фахрланади.

Давлатимиз ҳақли равишда эъзулик ва меҳр-шафқат галаба қозонадиган шундай мусобақалар ўтказиладиган марказларнинг бирига айланиб бораётганини кўриш қувонардир.

Азиз мусобақа қатнашчилари!
Сизлар барча қийинчиликларга, синов ва машаққатларга қарамай, ҳаётини куч, галаба иштиёқи, келажакка ишонч каби — ҳурмат ва таҳсинга лойиқ фазилатларни сақлаб қолдингиз. Сизлар чинакам мардлик ва матонат намунаси дирсизлар. Сизларга — турнир қатнашчиларига — спортда муваффақиятлар ва омонлик тилайман. Қадимий ва меҳмондўст Ўзбекистон заминида ўтказган кунларингиз қалбингизда гоёта самимий ва унутилмас таассуротлар қолдиришга астойдил ишонаман.

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти



Собир Раҳимов туманидаги «Баҳоддин Нақшбанд» ўз-ўз мулкдорлари ширкатида яшовчиларга намуналик хизмат кўрсатишга эришиш учун саъй-ҳаракат қилинмоқда.

СУРАТДА: ширкат паспортисткачиси Жамила Соипова ва ҳисобчи Венера Ҳасанова 5-уйда яшовчи Любовь Лазеренко билан суҳбатлашмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

ПОЙТАХТНИНГ
Дўст қўли

Ҳақимжон Солиҳов

ҚИСҚА
Сўзларда

● **ЭРТАГА** Сергели туманида «Хуққуни яхши биладиган истеъмолчи ҳар доим ҳақ» мавзусида семинар-йиғилиш Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташаббуси билан ўтказилади.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 173-мактабда 10 октябрь куни «Қомусимиз — бахтимиз» мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтади.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги Мирзо Фолиб маҳалласида 10 октябрь куни маҳалла аҳли ҳамда тиббиёт ходимлари иштирокида «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш соғлом авлод туғилиши ва тарбиялашнинг устувор йўналишлари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтади.

«ТОШКЕНТ ОПЕН-2003» АСОСИЙ ҲАФТА ҲАМДА ЯНГИ ҲАФТА ДАВОМИДА УЛАР ЯНА БИР КАТТА СПОРТ БАЙРАМИ — «ТОШКЕНТ ОПЕН-2003» ХАЛҚАРО АЁЛЛАР ТУРНИРИНИНГ ҚИЗГИН МУСОБАҚАЛАРИНИ КУЗАТИШГА МУВАФФАҚ БЎЛАДИЛАР. БУГУН ТОШКЕНТ ТЕННИС МАРКАЗИДА УШБУ АНЪАНАВИЙ ТУРНИРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРСОМИ БЎЛИБ ҲАМДА



Теннис мухлисларининг яқиндагина Осиё чемпионатидан олган таассуротлари сўниб улгурмаган бўлса-да, янги ҳафта давомида улар яна бир катта спорт байрами — «Тошкент опен-2003» халқаро аёллар теннис турнирининг қизгин мусобақаларини кузатишга муваффақ бўладилар. БУГУН Тошкент теннис марказида ушбу анъанавий турнирнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

Баъзилар теннис шайдоси бўла туриб, қуръа ташлаш тадбирида иштирок этишга унча ошиқмайди. Аслида эса бу жараёни ҳар бир турнирнинг энг асосий босқичи десак муболага бўлмайди. Қуръа катта тажрибага эга спортчининг ўз тенги биланми ёки профессионал теннисга илк қадам қўётгани ўйинчи кучли ракетка устаси биланми, ким ким билан беллашишни ҳал қилади ва унинг натижалари мусобақанинг асосий ҳақдвали ҳисобланади.

Анъанавий тарзда «Тошкент опен» турнирининг бошланиши олдидан КЕЧА «Шератон-Тошкент» меҳмонхона мажмуасида қуръа ташлаш маросими ҳамда матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти Азиз Носиров, Тошкент шаҳар ҳокимининг

ўринбосари Рустам Қурбонов, Ўзбекистон теннис федерацияси бош котиби Игорь Шепелев, турнир директори Шурунгам Утрапати, турнир супервайзери Нао Каватей ҳамда WTA Tour вице-президенти Жоржина Кларк қуръа ташлашдан сўнг бўлиб ўтган матбуот конференциясида оммавий ахборот воситалари вакилларининг барча қизиқтирган саволларига жавоб беришди.

Бугун асосий ўйинлар билан бир қаторда саралаш турнирининг сўнгги ўйинлари ҳам ўтказилади. Ҳозирча турнирда иштирок этиш учун даввогар бўлиб турган саккиз нафар Россия, Германия, Исроил, Таиланд, Япония, Украина спортчилари орасида Осиё чемпионатининг финалчиси тайпеиллик Чин-Вей Чан ҳам бор. Тошкентдаги китъа мусобақалари ғолиби Чиа-Юнг Чуанг эса «Тошкент

опен»да ҳам иштирок этиш истагида эди, аммо «квалифайн»нинг биринчи даврасида чиroyли ўйин кўрсатиб, иккинчи босқичда россиялик Мария Головинадан 6/3 ва 6/4 ҳисобида панд еди.

Афсуски, «wild card» асосида саралашда иштирок этган уч нафар ҳамюртларимиздан биронтасига «Тошкент опен»нинг асосий мусобақаларида беллашиш насиб этмади. Ўзбекистон ифтихори Ирода Тўлаганова жароҳати туфайли галдага аёллар мусобақасида иштирок этмаслиги боис умидимиз фақат турнирда «wild card» имконияти берилган Оқул Омонмуродова ва Иванна Исроиловадан.

Мамлакатимизнинг иккинчи ракеткаси ҳисобланган Оқулнинг рақиб турнирда биринчи бўлиб сараланган, WTA таснифида 41-ўринни эгаллаб турган венгриялик



Петра Мандулдир. Бугун бўлиб ўтадиган ушбу ўйин қанчалик қийин кечмасин, теннис ихлосмандлари Оқулга катта ишонч боғлагани шубҳасиз. Иккинчи ҳамюртимииз кортага эртага хитойлик Жия Зенг билан тушади. Иваннанинг WTAдаги рейтингини 510 бўлса, Хитой теннисчиси ундан уч бараваар юқорирак ўринда туради. Демак, бу иккала ўйинчининг куч синиашлари ҳам анча мураккаб ўтиши мумкин. Нима бўлса ҳам ҳамюртларимизга омад тилаб қоламиз.

Ильмира
ЗАЙНУДИНОВА.

XXI саҳоси
Барча мабқалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига кўра, 2004 йил 1 июлдан эътиборан «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга киритилади.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислам университетида «Қуръони Карим маъноларининг таржимаси» ва «Танланган ҳадислар» электрон китобларининг тақдироти бўлиб ўтди.

● Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон архитекторлари уюшмасининг учинчи курултойида уюшманиннг охириги беш йил ичидаги фаолияти сарҳисоб қилинди, келгусидаги ривожланиш истиқболлари белгиланди.

● Республика Болалар бадиий ижодиёти марказида Маҳалла йилига бағишланган кўргазма фаолият кўрсатмоқда. Ундан 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган иқтидорли болалар томонидан тайёрланган 400 дан ортиқ тасвирий ва амалий санъат намуналари ўрин олган.

● Нуробод туманидаги «Ўзбекистон» ва «Қоракўчи» ширкат хўжалиқларининг деҳқонлари пахта тайёрлаш бўйича давлат буюртмаларини бажаришди.


Жаҳонда

● Кеча Чеченистонда Президент сайловлари бўлиб ўтди. Унда Аҳмад Қодиров номзодида сайловчиларнинг 80 фоиздан кўпроги ўз овозларини беришди.

● Санкт-Петербургда губернатор сайловларининг иккинчи тури бўлиб ўтди. Унда Валентина Матвиенко сайловчиларнинг 60 фоиздан кўпрогининг овозини йиғишга муваффақ бўлди.

● Европа Иттифоқининг Римда бўлиб ўтган ҳукуматлараро конференциясида ягона Европа конституциясининг лойиҳаси муҳокама қилинди. Йиғиланлардан кўпчилиги мазкур лойиҳани маъқуллади.

● «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармасининг ташаббуси билан Швейцариянинг Альтендорф ва Давос шаҳарларида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Назомов ва «Сурхон» гуруҳи ҳамда «Ўзбеким юлдузи» ансамблларининг концерт дастурлари уюштирилди.



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● АҚШнинг БМТдаги ваколатхонасида Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари: АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция ва Хитой вакиллари Ироқ масаласида музокара ўтказди. Унда АҚШ Ироқ бўйича тайёрлаган резолюциянинг янги лойиҳаси тақдим этилди. Ушбу ҳужжат БМТ раҳнамолигида Ироқда кўпмиллатли тинчликпарвар кучларни вужудга келтириш ҳамда БМТнинг Ироқни қайта тиклаш ишларидаги иштирокини кучайтириш масаласини кўзда тутди.

● Европа Иттифоқидаги кирувчи мамлакатларнинг автомобиль бозорида қўрилмаган ўзгаришлар юз бермоқда. Чунинчи, ўтган ҳафтада Европа Иттифоқи автобозорларида рақобатни кучайтириш ва таклифни кенгайтиришга қаратилган янги қонун кучга кирди. Кузатувчилар ҳозирда ноқ бу янгиликнинг автомобиль бозорини инқилоб, деб баҳоламоқдалар. Энди автомобиль корхоналари Европа Иттифоқи, ҳатто АҚШ ва Япония имборларида сақланаётган исталган русумдаги автомобилни бозорга чиқариши мумкин. Хўш, бу янгиликдан кимга фойда? Табиийки, янги қонун биринчи навбатда харидорлар манфаатига хизмат қилади. Чунки, рақобат кучайгач, таклиф ҳам кучайиб, нарх пасаяди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 2006 йилга келиб Европа автомобиль бозорларида янги машина баҳоси йигирма фоизга арзонлашиши мумкин. Бу эса жаҳон автомобиль бозорига ҳам ижобий таъсир этади.

● Россиянинг Тверь вилояти губернатори Владимир Платовни прокуратура ходимлари хизмат лавозимини суиистеъмол қилганликда айблаб, ундан четга чиқиб кетмаслик ҳақида тилхат олишди. Тергов маълумотларига кўра, губернаторнинг айби билан вилоят қишда ёнилғи сотиб олиш учун маблағисиз қолган. Шу боис Тверь вилояти прокуратураси В.Платовни жавобгарликка тортиш ҳақида қарор чиқарган.

● Ҳиндистоннинг шарқий ҳудудига тушган метеоритдан йигирмага яқин киши зиён кўрди. Баъзи маълумотларга кўра, метеоритнинг ёниб турган қолдиқлари Орисса штати ҳудудидаги бир неча уйни йўқ қилган. Ҳозирги пайтда штат маъмурулари метеорит етказган зарар миқдорини аниқлашмоқда ҳамда унинг қолдиқларини қидиришмоқда. Воқеани ўз кўзи билан кўрган гувоҳнинг айтишича, табиатнинг бу ноёб ҳодисаси бир неча дақиқа давом этган, лекин бу вақт мобайнида атроф худди кундуз кундагидек ёруғ бўлган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай катта ҳажмдаги метеоритларнинг ерга тушиши жуда ноёб ҳодисадир.

● Грузиялик Георгий Чхидзе кўз кўриб, қулоқ эшитмаган оғир вазифани удаллади: у иккита 9 хонали сонни кўпайтириш амалини ҳеч қандай техник воситаларсиз амалга оширишга муваффақ бўлди. Математиклар, психологлар ва бошқа мутахассислар иштирокидаги йиғинда тиниб-тинчимас грузин 20 дақиқа вақт ичида, икки узундан-узок сонни бирибирига кўпайтирди ва тўғри натижани кўрсатиб берди. Энди Георгий Чхидзе Гиннеснинг рекордлар китобига қирадиган бўлди.

— Уюшмамиз таркибида 12 та автобус корхонаси, 5 та такси парки, 3 та трамвай-троллейбус депоси ва «Тошкентметрополитени» муваффақиятли фаолият юритмоқда. Шаҳримизда ҳар куни йўналишларга 1164 та автобус ва йўналиш таксилари, жумладан 340 та енгил такси, 143 та трамвай ва 146 та троллейбуслар чиқарилиб, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларини кўзлаган манзилларига ўз вақтида ва эсон-омон етказиш мақсадида транспорт хизматларини кўрсатмоқда. Булардан ташқари энг қулай жамоат транспорти ҳисобланган метрополитен кеча-ю кундуз йўловчилар хизматида.

Уюшма тасарруфидаги кўпгина корхоналар бирмунча мураккаб молиявий аҳволга, ҳаракат воситаларининг эскирганилигига, шунингдек, автомашиналарга эҳтиёт қисмларининг етишмаслиги ва уларнинг қимматлигига қарамасдан малакали, ғайрат-шижоватли транспортчилар саъй-ҳаракатлари туфайли намунали транспорт хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш йўлида меҳнат қилмоқдалар.

Пойтахт аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида давлатимиз томонидан жорий йилнинг апрель ойдан бошлаб «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси тасарруфига янги ҳаракат воситалари — «Мерседес-Бенц» 0 345 русумли автобусларнинг 100 таси келтирилди ва жорий йил охиригача шундай автобуслардан яна 200 таси олиб келиниши мўлжалланмоқда. Шунингдек, Самарқандда ишлаб чиқарилаётган, йўналиш таксиларида шаҳар бўйлаб йўловчиларини манун этаётган «Ўзотойў» автобуслардан ҳам олинмоқда.

Шу сабабли ҳам мавжуд транспорт воситаларининг техник созлигини меъёрга сақлаш учун саноат корхоналари ёрдами жуда муҳим саналади. Уюшма таркибида шун-

дай корхоналардан «2-Автотаъмирлаш» заводи ҳамда «Ремэлтранс» очик акционерлик жамиятлари мавжуд. «2-Автотаъмирлаш» заводида уюшма автокорхоналарининг автобуслари капитал таъмирланиб, уларга эҳтиёт қисмлар ҳам ишлаб чиқарилади. Бугунги кунгача корхонада ишчи-хизматчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли 90 дан ортик турдаги эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ўзлаш-

ўзлаштирилган.

Уюшма корхоналарининг транспорт воситаларини 2003-2004 йилги кузги-қишки мавсумга талаб даражасида тайёрлаш мақсадида жорий йилнинг май ойида, уюшма томонидан тегишли режа-тадбирлар ишлаб чиқилган. Уюшма корхоналарининг қишки мавсумга тайёргарлик кўришига амалий ёрдам кўрсатиш ва назорат этиш бўйича штаб муваффақиятли иш юритмоқда.

Пойтахтдаги уюшма таркибидаги транспорт корхоналарида кузги-қишки мавсумга тайёргарлик режа бўйича амалга оширилмоқда ва белгиланган муддатга асосан ҳамма ишлар бажариляпти.


Ҳозирги кунда ҳаракат воситаларига техник хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилди ва ҳамма ҳаракат воситалари қишга тайёрланди. 1425 та автобус, 159 та трамвай, 163 та троллейбус, 359 та енгил такси, 83 та махсус техника қишки мавсумда ишлаш учун шай қилинди ва ишлар жадвал бўйича давом этапти, сентябрь ойида 200 та метро вагонларини кузги текшириш ишлари тугалланди. Бундан ташқари 65 километр трамвай йўллари (72 фоиз), 197 километр трамвай ва 259 километр троллейбус улиши тармоқлари (74 фоиз), 53 та тортиш подстанцияларининг электр ускуналари тайёрланди.

Хайдовчилар, шунингдек, биринчи марта қиш мавсумида ишлайдиганлар билан алоҳида қўшимча йўриқномалар ўтказилмоқда. Корхоналарда ишлаб чиқариш, маъмурий бинолар, цехлар таъмирланди. Шунингдек, иссиқлик тизимлари, қозонхоналар, ёнилғи қўйиш шохбчалари қишки мавсумга тайёрланди. Бундан ташқари 246 тонна қозонхона учун суюқ мазут ёнилғиси тайёрланди ва бошқа кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган ишларнинг барчаси қишининг қишлоқларида шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларини ўз вақтида ва бехатар манзилларига элтишга намунали хизмат кўрсатишга қаратилган

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

• ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ
НАМУНАЛИ ХИЗМАТ
КЎРСАТИШ ЙЎЛИДА

Жазирама офтобли, иссиқ кунлар ҳам ортда қолди. Ёз ўз ўрнини кузга бўшатиб берди. Пойтахтимизда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда. «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасынинг ишлаб чиқариш-техника бош бошқармаси бошлиғи Вячеслав КИМ жамоадаги мавсум тайёргарлиги хусусида қуйидагиларни маълум қилди:



тирилган.

«Ремэлтранс» очик акционерлик жамиятида эса ер усти электр транспорт корхоналари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади, шунингдек, трамвай-троллейбуслар капитал таъмирланади. Ҳозиргача мазкур жамият аъзолари томонидан 141 турдан кўпроқ янги эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни

“ХАЛҚАРО
ИНВЕСТИЦИЯЛАР –2003”

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида “Халқаро инвестициялар -2003” маърузасининг тақдими ўтказилди.

— ЮНКТАД бош қотиби Робенс Рикунперу Женевада чоп этилган “World Investment Report 2003” маърузасида бу йил бутун дунёда бевосита хорижий инвестициялар оқими амалда барқарорлашиши лозим, уларнинг жонланиши эса 2004 йилда амалга ошишини айтган эди, — деди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Ричард Конрой “Туркистон-пресс” мухбирига. — Маъруза дунёдаги барча давлатлардаги инвестиция масалаларига бағишланган. Жумладан, ўтган йили бевосита хорижий инвестициялар оқимининг миқдори 651 миллиард АҚШ долларини, яъни 2000 йилга нисбатан икки баравар камни ташкил қилди. Инвестиция оқимининг камайиши кўпгина мамлакатларга дахлдор бўлиб, 2002 йили бевосита хорижий инвестицияларни олиб кириш аввалги йилга нис-

батан 195 мамлакатдан 108 мамлакатга камайган.

Тақдимот маросимида жаҳонда бевосита хорижий инвестициялар оқими ҳажми 2001 йилда 40 фоизга камайгандан сўнг, 2002 йилда яна 21 фоизга қисқариб, 651 миллиард АҚШ долларини ташкил этганлиги ҳамда бевосита хорижий инвестицияларни четга олиб чиқиш икки бараварга камайганлиги таъкидланди. АҚШда инвестициянинг чиқиши 2002 йилда 15 фоизга кўпайиб, 120 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган. Европа иттифоқи мамлакатлари ва Японияда инвестицияларнинг четга чиқиши 13-18 фоизга камайди. Оқимнинг бундай нотекис тақсимланиши ЮНКТАД томонидан ишлаб чиқилган индекс потенциалига, яъни мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётга ўз таъсирини кўрсатади, ал-

батта.

Таъкидлаш жоизки, 2001-2002 йиллардаги бевосита хорижий инвестициялар оқимининг пасайиши макроиқтисодий ва микроиқтисодий ҳамда институционал факторларга ўз таъсирини кўрсатди. Ўтган йилги бевосита хорижий инвестициялар оқимининг камайишини тўрт соҳадиги нотекис тақсимланишида кўриш мумкин. Улар журрофий, тармоқларро, молиявий бўлинишлар ҳамда ташқарига олиб чиқиладиган инвестицияларни ташкил қилади.

Маърузада, шунингдек бевосита хорижий инвестициялар оқими ва ТНК амалиётлари ҳажми, уларнинг нотекис тақсимланиши нуктаи назаридан “ёмон кўрсаткичлар” мамлакатларнинг инвестиция климини яхшилаш учун қулай шароитлар яратишга бўлган саъй-ҳаракатларни пайдо қилади. Тараққий этган мамлакатлар бундай ҳолатларнинг олдини олиш, рақобатни кучайтириш учун барча чора-тадбирларни кўришмоқда.

“Туркистон-пресс”

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР

Республика Ўрта махсус касб-хунар таълими марказида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини ўқитишни янада такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг масъулиятини ошириш ва мазкур фанини ўқитишда илгор педагогик усуллардан фойдаланиш масалаларига бағишланган анжуманга ўтказилди.

— Бугунги кунда "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани таълимнинг барча бўғинларида ўқитилмоқда, — деди анжуман иштирокчиси Офтобхон Тожибоева "Туркистон-пресс" муҳбирига. — Жумладан, у коллеж ва лицейларга предмет сифатида киритилиб, қирк соат ҳажмида машғуллар ўтказилапти. Ўқув дарслигининг мукамаллигини таъминлаш учун бир неча бор ўқув қўлланмалари тайёрланиб, тажриба синовдан ўтказилди. Жорий йилдан бошлаб эса, дарслик сифатида ўзбек ва рус тилида нашр этилди. Бу борада тажрибали ўқитувчи-педагогларнинг фикрлари инobatга олинди. Мақсад, бу фанини ўқитишни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, ўқувчилар онгига чуқур сингдиришдан иборат.

О.Тожибоеванинг таъкидлашича, дарсликни мукамал ўрганиш учун Тошкент шаҳри бўйича доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари ташкил этилган. Ўтказилаётган семинар ҳар томонлама фойда беради. Анжуманда Тошкент шаҳри ва вилояти, Сирдарё вилоятидаги коллеж ва академик лицейларнинг ўқитувчилари иштирок этишди. Сўзга чиққан маърузачилар ўзларининг иш фаолияти ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, педагогик технологиялар ҳамда ноанъанавий усуллардан дарс жараёнида қандайдиган фойдаланиш кераклигини амалий жиҳатдан кўрсатиб берди. Шунингдек, тадбирда "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" ўқув қўлланмасининг электрон нусхаси яратилганлиги алоҳида таъкидланди. Мазкур электрон дарслик Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети қошидаги академик лицей жамоаси томонидан ишлаб чиқилди.

"Туркистон-пресс"

ТАДБИРЛАР

ҚИЗИҚАРЛИ МУНОЗАРАЛАР БИЛАН ЎТДИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси ҳамда «Артмадад» махсус жамғармаси ташаббуси билан «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмасида «Арткарнавал» ўтказилди.

Унда шаҳримизда фаолият юритаётган барча театрлар ижодкорлари, фахрийлар, санъат муҳлислари иштирок этишди.

— Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, авваломбор, театр ижодкорлари, санъаткорларни бир-бирлари билан юзма-юз кўриштириш, улар билан дилдан суҳбат қуриш ҳамда қизиқарли баҳслардан ёш ижодкорларни воқиф этишдир, — дейди «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Омонулло Ризаев. — Ўйлаيمанки, бу ерга йиғилганлар, санъат ихлосмандлари яхши ҳордиқ чиқарадилар. Шунингдек, биз ҳам қизиқарли мунозараларнинг гувоҳи бўламиз.

Маълумки, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Ёш артист» ижодкор ёшлар театри ўз фаолиятини 1998 йилда бошлаган. Мазкур тадбирда асосан «Ёш артист» ижодкор ёшлар театри аъзолари турли хил сахна кўринишларини, куй-қўшиқларини, интермедия, шеърларини намойиш этдилар.

Айтиш жоизки, Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган ушбу кечага йиғилганларнинг кўпчилигини унвонлар, давлат мукофот-

лари билан тақдирланган санъаткорлар ташкил этди. Файзли дастурхон атрофида йиғилган актёрлар, санъаткорлар бир-бирлари билан қизиқарли мунозаралар, айтишувлар қилишди.

— Мен олган мукофотимни янада кўпроқ меҳнат қилиб оқламоқчиман. Эеро, биз санъаткорларни рағбатлантириш учун берилган ушбу мукофот ўз устимизда кўпроқ ишлашга ундайди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Элёр Носиров. — «Бугунги тадбиримиз ўзига хос файзли шодиёна кечага айланди. Санъатга ошно дўстларимиз билан дийдор кўришдик. Шунга айтишим керакки, бу каби кечаларни кўпроқ ўтказсак, санъат оламида содир бўлаётган ўзгаришлардан воқиф бўлсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дарҳақиқат, ўтказилган «Арткарнавал» кечаси Ўзбекистонда театр санъатининг янада ривожланишига кўмаклашади ҳамда театр актёрларини қўллаб-қувватлаб, янги ижодий парвозларга илҳомлантиради.

Юлдуз УСМОН
СУРАТЛАРДА: «Арткарнавал» кечасидан лавҳалар Раҳмонбек Исмолов олган суратлар.



ЯНГИ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

Тошкентда «White mouse» янги таълим лойиҳасининг тақдироти бўлиб ўтди. Янги лойиҳа иқтидорли ёшлардан етук мутахассислар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлашга қаратилган.

Тошкент Давлат техника университети талабаси Константин Ли бошчилигидаги ташаббускор ёшлар гуруҳи "White mouse" лойиҳасини амалга оширишга киришди. Мазкур лойиҳа асосида ўқув маркази ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, бу талабалар учун қўшимча билим олиш имкони-

ни беради. Марказда менежмент, бухгалтерия, ахборот технологиялари каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган. Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес соҳасида фаолият кўрсатаётган кўплай ёшларни учратиш мумкин. Марказнинг асосий фаолияти ёшларда тадбиркорлик кўники-

маларини шакллантиришга ҳам йўналтирилиб, машғуллар давомида бизнес режа тузиш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш бўйича ҳам билим берилди.

— «White mouse» маркази ёшларга нафақат билим беради, балки уларни келгусида мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилари ҳам ўз назоратига олади, — деди лойиҳа муаллифи Константин Ли. — Таълим ислохотлари даврида халқаро жамиятда интеграциялашув муҳим аҳамият касб этади. Келажақда марказ АҚШ,

Англия, Жанубий Корея университетлари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнаттишни режалаштирган. «White mouse» инглиз тилидан таржима қилинганда «Оқ сичқон» дегани. Япон фалсафасида оқ сичқон мукамалликка интилиш рамзи экан. Ўзбекистон ёшларининг билимга чанқоқлиги, мукамалликка бўлган интилиши мазкур лойиҳани амалга ошириш учун туртки бўлади, — деди Константин Ли сўзининг якунида.

ТАДБИРЛАР

Куни кеча Тошкент темирйўл муҳандислари институтининг спорт мажмуасида болалар ўртасида миллий кураш бўйича «Маҳалламыш пахлавонлари» Республика турнирининг шахар босқичи бўлиб ўтди.

МАҲАЛЛАМИЗ ПАХЛАВОНЛАРИ

Турнирга Республика тоифасидаги ҳакам Бозорбой Эргашев бош ҳакамлик қилди. Мазкур спорт тадбири Республика Оксиколлар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, Миллий кураш федерациясининг шаҳар бўлимлари томонидан ташкиллаштирилди. Мусобақанинг очилиш маросимида ёш спортчиларни Республика миллий кураш федерациясининг бош котиби Аббос Тўйчибоев қутлади.

Ушбу спорт тадбирида ўз туманида голибликни қўлга киритган 50 га яқин болалар ва қизлар иштирок этишди. Ўғил болалар 45, 50, 55, 60, қиз болалар эса 40, 44, 48

килограммгача вазн тоифасида ўзаро кураш олиб боришди. Баҳслар қизиқарли ва мунозарали кечди. Ўз вазн тоифалари бўйича биринчи ўринни Исом Шамсибоев, Жаҳонгир Ғозиев, Акбар Жабборалиев, Азамат Кувондиқовлар, қизлар ўртасида эса Лайло Эшмўминова, Нозима Ҳайитова, Гузал Эшмўминовалар эгаллашди. Голиблар Фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Дарҳақиқат, жойларда бундай спорт тадбирларининг ўтказилиши маҳалла болалари ўртасида миллий курашнинг янада оммалаштириш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Соҳиба УМАРОВА

НОДИР ТЎПЛАМНИНГ ЭЛЕКТРОН ТАЛҚИНИ

Кутубхоналар фаолиятини тубдан ислох қилиш, уни тизимли тарзда такомиллаштириш давом этмоқда. Глобаллашув жараёнларида зиё масканлари ахборот узатишнинг фаол марказларига айланиб бормоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳам замонавий техника ва ахборот технологиялари билан жиҳозланиб, барча жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилмоқда.

Библиографик маълумотларни матн ҳолида чоп этиш, электрон ҳолида кўпайтириш борасида кўрилаётган тадбирлар ҳам кутубхона нуфузини ошириб, янги технологиялар асосида замонавий хизмат кўрсатиш учун пухта замин яратмоқда.

Бу ерда сақланаётган ноёб тарихий адабиётларнинг электрон каталогларини тузишга киришилганлиги ҳам эътиборга сазовордир. «Туркистон тўплами»нинг электрон талқини эса дастлабки электрон каталоглардан бири сифатида юзага келди.

— «Туркистон тўплами» зиё масканимизда сақланаётган нодир нашрлардан ҳисобланади, — деди кутубхона директори Абдусалом Умаров «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Бу китобада Туркистон халқларининг тарихи, иқтисоди, этнографияси, ботаникаси, археологияси, турмуш тарзига оид маълумотлар ёритилган.

Ўз даврининг йирик библиографи В.И. Межов «Туркистон

тўплами»ни яратиш устида самарали иш олиб борди. 416 жилдан иборат бу тўпламни босмага тайёрлашда библиограф ўзи тузган, рус ва хоржий тилларда ёзилган асарлар ва мақолалардан фойдаланди.

Ушбу нашр «Афғонистон библиографияси», «Кирғизистон», «Туркистон тўплами» саҳифаларида, «Қозоғистон этнографияси» каби библиографик кўрсаткичларнинг юзага келишида асосий манбалар бўлиб хизмат қилди. Навоий кутубхонаси томонидан тузилган «Ўтмишдаги ва ҳозирги Тошкент» деган адабиётлар кўрсаткичи нашрида ҳам нодир тўплам маълумотларидан фойдаланилди.

Марказий Осиёнинг яқин ўтмишидан қимматли маълумотлар берувчи «Туркистон тўплами»нинг электрон нусхасини кўпайтириб, республикамиздаги оммавий кутубхоналарга тарқатиш тадбирлари кўрилмоқда.

"Туркистон-пресс"

Тобора чирой очиб, гўзаллигини мухташам иморатлари тимсолида намойиш этаётган пойтахтимизнинг бугунги жамолида маҳоратли ва изланувчан меъморларимизнинг ҳиссалари улқандир. Шу боисдан ҳам шаҳримизда етакчи лойиҳа институтларидан саналган «Тошкент шаҳрини лойиҳалаш ва қайта қуриш институти» акциядорлик жамияти бош меъмори Рустам ШОКИРОВ билан жамоа аҳлининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлидаги изла-нишлари, келгуси режалари хусу-сида суҳбатлашдик.

• МУСОҲАБА

МЕЪМОР — БОШ ҚУРУВЧИ ДЕМАКДИР

— Рустам ака, аввало меъмор ким, ушбу соҳанинг завқ ва машаққатлари хусусида сўзлаб берсангиз.

— Юнчадан олинган архитектор (меъмор) сўзи «бош қурувчи» деган маънони англатади. Шундан келиб чиқадиган бўлса, меъмор ҳақиқий бунёдкор, яратувчи, қад ростлайдиган мухташам ва кўркам иншоотларнинг ҳақиқий ижодкоридир. Уйқусиз бедор туналар, қанчадан-қанча излашуви баҳслар туфайли бунёд этилган биноларнинг ички ва ташқи чиройи, одамларни ҳайратга солиши бу—ҳар бир меъморга ўз ишидан завқланишни бахш этади. «Тоққа чикмасан дўлона қайда» деганларидек унинг ўзига яраша машаққатлари ҳам бор. Ички тарафлари эса катта маъмулратий зиммаингизга юклайди. Билим, маҳорат, изла-ниш, талаб ва тақдирларни ўрганиш, замон билан ҳамнафас бўлиш баробарида тарихимизни чуқур билиш, шарқона урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизни эъозлаш ҳам меъмор меҳнатида муҳим ўрин тутлади.

— Шу ўринда ўзингиз меҳнат қилаётган жамоанинг ташкил этилиши, мақсад ва вазифаларини ҳам таъкидлаб ўтсангиз.

— Утган асрнинг 30-йиллари охирида илк марта пойтахтимизни қуриш ва қайта қуриш бош режаси ишлаб чиқилди ва унда 1937 йилда ташкил этилган лойиҳа идорамизнинг 40 кишидан иборат жамоаси ҳам фаол иштирок этди. Режага асосан 1938-39 йилларда ҳозирги У. Юсуфов, Фуркат, Ш. Руставели, У. Носир кўчалари қурилди, кўлаб бог ва бинолар қад ростлади. Бу, албатта жамоа лойиҳачи ва меъморларнинг илк ишлари эди. Орадан ўтган йиллар эса ўз самарасини берди. Институт ходимлари ҳам сон жиҳатдан ўсди, сифат жиҳатдан юксалиб, пойтахтдаги етакчи лойиҳалаш жамоасига айланди.

Шаҳарни қайта қуриш ва лойиҳалаш мақсадида ташкил этилган жамоа аҳли ҳозирда 350 нафардан зиёднинг ташкил этиб, шулардан 60 нафари меъморлардир. Сирасини айтганда, меҳнатимиз шаҳримиздаги сало-батли иншоотлар, равон кўчалар, шарқона бозорлар, мухташам кўриқлар, замонавий турар жой биноларида акс этмоқда. Чирой оймоқда. Лекин капитал қури-лишда иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган бугунги шартларда аням кўрсатилганини, ислохотлар ривожига муносиб ҳисса қўшимгимиз лозим.

— Мустақиллик туфайли яратилган имкониятлардан қандай фойдаланилмоқда?

— Мустақилликнинг бизга берган имкониятлари ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Аввало эркин яратиш, фикримизни очик-ойдин айтиш имкониятига эга бўлдик. Илгарилари Москвада қандай уй қурилса, Тошкентда ҳам, бошқа республикаларда ҳам шундай бино барпо этиларди. Ташқи кўриниши, ички безаги ҳам бир хил бўларди. Миллий урф-одат, қадриятлардан келиб чиқиб иш юритишга ружаст йўқ эди ҳисоб. Бугун эса миллий меъморчилик аъналарини устида, уни замонавий меъморчилик билан уйлалашган ҳолда намойиш этиш борасида изланялмиш. Ҳар бир бино қаварда жойла-шиши, нимага хизмат кўрсатиши, ўзига хос хусусият-



ларига кўра лойиҳаланимқда. Бунинг учун эса лойиҳачи ва меъморлар изланувчан, яратувчан бўлиши, энг муҳими, танқидчи бўлиши керак. Қад ростлаётган биноларга танқидчи баҳо беришни ҳам билиши керак.

Яна шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, мустақил-лик туфайли дунёга чиқдик, чет эллик меъморлар билан алоқаларимиз кенгайиб, ривожланмоқда. Жумладан, Югославиянинг «Энергопроект», «Торсвик», Фран-циянинг «Буиг», Германиянинг «Шупер пресс», Турки-янинг «Айсел» фирмалари ва бошқа ҳамкорлар билан пойтахтимизда кўплаб лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширдик.

— Лойиҳачи, меъмор ва қурувчилар ҳамжиҳат-лигига қандай баҳо берсангиз?

— Қурувчи-бунёдкорлар билан ҳаммушамқатликда иш-лашмиш, неғакки, меҳнатимиз са-марасини уларнинг куч-гайрати, шижоати ва матонати яққол юзага чиқарди. Албатта, кези келганда уларнинг оқилона тақ-лиф ва мулоҳазаларини инобат-га оламиз. Чунки мақсадимиз битта— қуриш, яратиш, яшати-риш, шаҳримизни жаҳоннинг энг гўзал масканига айлантириш, аждоқларимиз аъналарини бугунги кун талаби асосида да-вом эттириб, умрбўқий иншоот-ларни авлоқларимизга мерос қолдиришдир. Айни долларб дамларда эса маълақатимизда капитал қурилиш соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш йўлида чиқарилган Фармон ва қарорларни бажаришда бирга-ликда саъй-ҳаракат қилиш ло-зимлигини дилдан хис этаймиз.

— Шу ўринда, албатта, муваффақиятлар йўлида тинмай изланаётган меъморлар, уларнинг меҳнатлари эвазига бунёд этилган иншоотларни ҳам айтиб ўтсангиз мақсадга мувофиқ бўларми?

— Марказий банк маъмурий биноси, Тошкент зарбхонаси, Ўзбек Миллий академик драма театри, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, «Қа-тагон қўрбонлари хотираси» музейи, пойтахтимизда-ги шарқона бозорлар, «Ўзқўрғазмасавдо» биноси, ли-цей ва коллежлар—уларни санаб адоғига ети олмайсиз. Албатта, ишларимиз баҳосини халқимиз беради. Неғакки, бизни рағбатлантирувчи ҳам, илҳом бериши ҳам, танқид қилиб тақлиф ва мулоҳазаларини баён этувчи ҳам доно халқимиз. Шу ўринда пойтахтимизга кўрк бўлаётган, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган биноларни яратишда муҳим ҳисса қўшаёт-ган Умарзоқ Раҳимов, Абдулла Махсумов, Виктор Бру-сенко, Ортак Саваж, Ҳаким Тошқўрамонов сингари тажрибали меъморлар номини алоҳида таъкидламоқ-чиман. Улар ёшларга ҳам ўз тажрибаларини ўргатиш-моқда. Бу борда Тошкент архитектура-қурилиш ин-ститутини билан ҳамкорлик қиламиз. Талабалар ўз ўқув амалиётларини институтимизда ўташди, улардан ёр-дамимизни аямиймиз. Чунки келгусида жамоамизга ишга чанқок, билимли ёш кадрлар, албатта керак бўла-ди.

— Келгуси режаларингиз...

—Тошкентни қайта қуриш, обод қилиш, янги лойи-ҳалар устида иш олиб бориш, яқунланган шаҳарсозлик мажмуасини қуриш, миллий меъморчилик аъналарига эътибор қара-тиш, ҳар қандай зиммаимиздаги юмушни адо этиш—режаларимиз асосини ана шу-лар ташкил этади. Тугилиш бор экан, ҳаёт давом этар экан, қурилиш асло тўхтамай-ди. Янада янги гоғлар, янги аъналар давом эттаверсади. Яна фурсатдан фойда-ланиб шунинг айтмоқчи эдимки, ҳар йили октябрь ойининг дўшанбасида Жаҳон ар-хитекторлари кунини нишонланади. Шу боисдан ҳам барча ҳамкасбларимизни ана шу кўтулғу байрам билан чин дилдан қут-лаб, уларга энг эзгу ниятларимни билди-раман.

Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА. СУРАТЛАРДА: бош-меъмор Рустам ШОКИРОВ (ўндан биринчи) ҳамкасб-лари билан иш жараёнида; меъмор-лар Одил Қурайзов ва Алла Ельцова; Фарҳод кўчасида бунёд этилажак кўп қаватли уйлар макети.

• ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

«SUNSHINE-TURON» ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан «Ultimate Fashion Maker LTD» ва «Fashion Factory International PVT LTD» (Ҳиндистон) компаниялари ўртасида олди-сотди шартномаси имзоланди. Давлат тендер компаниясининг қарорига кўра дав-лат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича ўтказилган тендер савдоларида улар томонидан «Турон» меҳмонхонаси сотиб олинди ҳамда унинг тасарруфида «Sunshine-Turon international LTD» хорижий ташкилот иш юритишни бошлади.

—Қайта қуриш ва таъмирлаш ишларини,— дейди «Sunshine-Turon international LTD» хо-рижий ташкилоти бош директорининг ёрдам-чиси Фармон Давлатов,—ўзимизнинг кўли гул қурувчиларимиз олиб бормоқдалар.—Айни кунларда меҳмонхонани кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ишлари ҳам кизгин давом этмоқда. Маҳаллий қурувчиларимиз ҳеч қайси хорижий фирмалардаги ҳамкасбларидан қолишмайди, уларнинг ишлари жуда пухта.

Мазкур меҳмонхонанинг қурилиши ўзига хос тарзда олиб боришмоқда. Барча қурилиш материаллари хорижий давлатлардан келти-рилган, улар энг замонавий, юксак сифатли бўлиб, жуда чиройли кўринишда. Масалан,

Германия давлатидаги етакчи қурилиш фир-маларидан бирида ишлаб чиқарилган гипскар-тон материаллари қурилишда янгилик ҳисобла-нади. Хориждан келтирилган ҳамда бинолар-нинг ташқи томонида ишлатилган минерал бўёқлар фақат эстетик қўлини берибгина қолмай, 50 йилгача сифати ўзгармайди, кўркамлигини сақлайди. Бинодаги барча са-нитар узеллар, қурувлар Туркиядан олиб келинган изоляция материаллари билан қоплан-ди.

Ушбу меҳмонхона 11 қаватли бўлиб, охи-ри қаватида ажойиб ресторан жойлаштирила-ди, унда дам олувчилар ойнаванд зал орқали гўзал пойтахт манзараларини томоша қилиш-

лари мумкин. Уч йўлдузли отелда ҳаммаси бўлиб 197 та люкс, ярим люкс хоналар ташриф буюрувчи-ларга шинамлик ва юксак даражадаги қулай-ликлар яратди. Режага асосан бу номерлар-нинг ҳаммасига компьютерлар ўрнатилиб, улар Интернет тармоғига уланади. Шу эрининг ўзи-да меҳмонлар бизнес мактаб хизматидан, кон-ференция зали, пуй айртбошлаш шохобчале-ри қулайликларидан фойдаланишлари мум-кин. Овқатланиш тармоқларидан ташқари бу ерга ташриф буюрувчилар учун катта сув ҳав-заси, гимнастика зали, косметика, уқалаш хо-налари каби кўплаб хизматлар кўрсатилади.

Бизга маълум қилишларича, «Sunshine-Turon» меҳмонхонаси ярим йилдан сўнг, яъни халқимизнинг гўзал байрами бўлган Наврўзи олам арафасида тўла қайта қурилиб, меҳмон-ларни қабул қила бошлайди.

Ушбу меҳмонхонадаги қайта таъмирлаш ва қуриш ишлари поёнига етган, унинг ташқари-си ҳам гўзал манзара касб қилади.Кўча тараф-даги иккита кираверишда кўли гул қурувчи-лар томонидан ажойиб фаворалар ҳам қури-лади.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

БУНЁДКОР

—Тоир Дадахонов ҳақиқатан ҳам жамоамиз фахри санала-ди,— дейди 50-қурилиш бошқармаси раҳбари Али-шур Турғубоев.—Бундай ҳур-мат-эътиборга илғор бунёд-кор ўзининг ниҳоятда меҳнат-севарлиги, изланувчанлиги,

ташам иморатлар қол-ди. Уларнинг ҳар бирини кўриб меҳнатингиз самарасини дилдан сезасиз, кўнглингиз олам-олам завқ олади. Мен шундан гурурланаманки, меҳ-натларимнинг ҳақиқий қадри-

қили, эл-юрт фаровонли-ги, мустақиллики мустаҳкам-лаш йўлида бунёд этишга ун-дайд. Кейинги йилларда пойтахтимизни яшлатиш, гўзал шаҳарлардан бирига айлантириш борасида қурув-

Уларнинг меҳнати ва маҳора-ти маҳсули саналмиш Ўзбек Миллий академик театри, «Чорсу» савдо маркази, «Қа-тагон қўрбонлари хотираси» музейи, Олий Мажлис бино-си, «Юнусобод» теннис мажмуаси шаҳримизга файз киритган бўлса, Бўстонлик туманида қад ростлаган, жаҳон андозале-ри даражасидаги «Чорвоқ» оромгоҳида ҳам бригада аъзолари алоҳида ғайрат кўрсатишди. Шунингдек, кўп қаватли турар жой би-ноларининг қад ростлаши-да ҳам уларнинг муносиб ҳиссалари бор.

• НИШОНДОРЛАРИМИЗ

ҚУВОНЧИГА БАРЧА ШЕРИК

Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида юксак мукофотлар билан тақдирланганлар ораси-да пойтахтимиздаги «12-трест» хиссадорлик жа-мийятига қарашли 50-қурилиш бошқармаси бригадасардори, Ўзбе-кистонда хизмат кўрсат-ган қурувчи Тоир Дадахо-нов ҳам бор. Унинг бара-кали меҳнатлари муно-сиб тақдирлиб, «Меҳ-нат шухрати» ордени билан мукофотлангани на-фақат бунёдкорнинг ўзи-ни, балки жамоа аъзола-рининг ҳам барчасини қувонтириб юборди.



ни она-Ватанимиз мустақил-ликка эришган кўрдим.Чунки 1991 йилда Президентимиз-нинг Фармонида кўра Фахрий ёрлик, 1995 йилда эса юксак унвон — Ўзбекистонда хиз-мат кўрсатган қурувчи» номи-га сазовор бўлдим. Жорий йилда эса кўксимни яна бир нишон — «Меҳнат шухрати» ордени бегаганидан бениҳоя қувонман. Ушбу мукофотлар мени янада кўпроқ меҳнат

чиларнинг муносиб ҳиссаси борлигидан, бу ишга жамоа-симиз аҳли ҳам улуш қўшаётган-нидан кўнглим тоғдек кўтари-лади.

Тоир Дадахонов энг тажри-бали бригада сардорларидан саналиб, айни дамда 30 қурувчига бошчилик қилмоқда. Бригада аъзолари орасида-ги ҳамжиҳатлик, тартиб-ин-тизом, ишда сифатга эътибор ўрнатилган даражада.

Дилфуза ҒАНИЕВА.

• ШАҲРИМ—ФАҲРИМ

ЗАМОНАВИЙ ВА ШАРҚОНА

Шаҳримизда мустақиллик йилларида қад ростлаган қайси бинога нигоҳимиз туш-масин кўзларимиз қунаб, диллимиз яйрайди. Ушбу бинолар пойтахтимиз жамолини очинишда, кўрчини намойиш этишда, унга ажиб салобат бағишлашда муҳим ўрин тути-шини дилдан хис этамиз.


Албатта, бундай биноларни яра-тиш ва яшатиш ишқиде тер тўка-ётган бунёдкорларимиз малакали лойиҳачи ва меъморларнинг изла-нишлари эвазига қуришмоқда. Қурувчиликни бежизга машаққат-ли, аммо шарафли касблар сира-сига киритмаймиз. Ёзининг сарато-ни, кишининг қаҳратонида ҳам бун-дай меҳнат қилиб, зиммаларидаги вазифани бажариш, иншоотларни вақтида фойдаланишга топшириш мақсадида интилаётган қурувчилар машаққатдан чўчишмайди.Қад рос-тлаётган бинонинг кундан-кунга чирой очили уларни янада ил-ҳомлантиради, эл-юртта, инсонлар-га фаровонлик, ободлик яратётганидан фахрла-ниб меҳнат қилишга ундайди.



Кейинги йилларда қурилган Олий Мажлис биноси, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Ўзбек Мил-лий академик драма театри, «Юнусобод» теннис мажмуаси, «ЖАР» спорт-соғломлаштириш маркази, шарқона бозорларимиз, осмонўпар банкла-римиз, жаҳон андозалари даражасидаги меҳмон-хоналар, коллеж ва лицейлар чиройига таъриф йўқ. Уларнинг барчасида замонавий ва шарқона меъморчилик аъналарини уйғунлашган.

шаҳримизнинг гўзал, кўркам бўлишига, юртимиз ободлигига муносиб ҳисса қўшияпти. Мана шун-дай гўзал уйларда яшагандан кейин уларни яна-да авайлаб-асраш, орасталиги, саранжом-сарий-талигини таъминлаш керак, деб ўйлайман. Қу-рувчиларимизнинг меҳнат шижоатлари эса асло сўнмасин, толмас қўллари чарқок нималигини билмасин, илоҳ.

Қурилиш соҳасида ҳам иқтисодий ислохотлар-ни чуқурлаштиришга эътибор қўйиштирилмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги «Капитал қурилишда иқти-



— Тошкентни бежизга Шарқ машъали дея таърифлашмас экан,— дейди Жанубий қорейлик тадбиркор Жун Янг.— Биноларнинг салобатидан бунёдкорлар меҳнати, уларнинг маҳорати ва салоҳиятига баҳо берса арзийди. Айниқса, Мус-тақиллик майдониди «Хотира» мажмуаси, «Ша-ҳидлар хотираси» музейини томоша қилиб ўзбек усталарининг излаишларига, улар аждоқлар ме-росига нақадар содиқлигига тан бердим.

Пойтахт чиройини таъминлашда оилалар шод-лигига, бахтиёрлигига сабаб бўлаётган кўп қават-ли турар жой биноларининг ҳам ўрни беқийёс-дир. Ана шундай шинам ва барча қулайликларга эга бўлган уйларга ҳар йили юз-лаб хонадон аҳли кўчиб кирмоқ-да.

—Кейинги беш-олти йил ичи-да биз истикомат қилаётган «Гос-питал» даҳаси шунанганги чирой очдики, бунинг сабаби талаблар даражасидаги, замонавий қурилиш ашёлари асосида бунёд этилган ўнлаб турар жой биноларининг да-ҳага ўзгача қиёфа бағишлагани-дир,—дейди меҳнат фахрийси Манзура ая Муродова.—Лойиҳачи-ларга ҳам, қурувчиларга ҳам ҳар қанча раҳмат айтсак арзийди. Не-гаки, улар нафақат оила аъзола-рини хушнуд этишяпти, балки

содий ислохотларни янада чу-қурлаштиришининг асосий йўна-лишлари тўғрисида-ги Фармо-ни, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги «Капи-тал қурилишда ҳўжалик муноса-батлари механизмининг тақомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида-ги қарори ёрқин ми-солдир. Ушбу ҳужжатларнинг амалдаги ижроси албатта, мам-лакатимиз капитал қурилишида туб бурилиш ясалishiга, бугун-ги кунгача давом этиб келаётган нуқсон ва камчиликларнинг бар-тараф этилишида муҳим ўрин ту-тиши, шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, бунёдкорлик соҳаси ривожини — бу юртимиз жамолида, элимиз фаро-вонлигида янада ёрқин акс этади. Бунёдкорла-римиздан келгуси авлодларга буюк иншоотлар мерос қолади, улар биз каби аждоқлари меҳ-нату маҳоратидан ҳаммаша фахрлилик юришади.

Шарофат БАҲРОМОВА СУРАТЛАРДА: пойтахтимиз чиройи мана шундай иншоотлар билан янада гўзалла-шиб бормоқда.

Ҳакимжон Солихов ва Алексей Попов олган суратлар.





ЎЗБЕКИСТОН — КАТТА ТЕННИС МАМЛАКАТИ

Бугун Тошкентда «Tashkent open» халқаро аёллар турнирининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади

WTA — 30 ёшда

Шуниси қизиқки, бутунжаҳон дунё аёллар теннис ассоциациясининг фаолияти бошланишига бир вақтлар аёл теннисчиларига нисбатан паст назар билан қараш, шу жумладан совринли ўринлар тақсимлашида адолатсизликка йўл қўйилиши асос бўлган.

1970 йилда Лос-Анжелесда бўлиб ўтган турнир ташкилотчиларининг эркаклар ва аёллар ўртасидаги соврин жамғармаларининг нотенглиги — 8/1 қилиб белгилаш ҳақидаги қарори теннисчи аёлларнинг сабр қосасини тўлдирди. Уша кезларда машҳур америкалик теннисчи Билли-Жин Кинг бошчилигида спортчи аёллар бу турнирга қаршилик ҳаракати эълон қилиб, Хьюстонда мустақил мусобақа уюштиришга муваффақ бўлдилар. Сўнг уларнинг кучи билан «Виржиния слимс» деган махсус турнир ташкил этилди.

1973 йилнинг июнь ойида Лондонда 62 нафар теннисчи аёллар иштирокида мустақил ташкилот — Аёллар теннис ассоциацияси (WTA) таъсис этилди ва турнирларни бошқаришни WTA ўз валакатида олди. Шундай қилиб, 1994 йилдан бошлаб аёллар теннисининг барча тизими WTA Тоуг ташкилотига бирлашди.

Бугунги кунга келиб WTA Тоуг жаҳон аёллар спортда энг йирик турнир цикли ҳисобланади. Айни пайтда у «Катта дубулга» туркумидаги (Австралия, Франция, Англия ҳамда АҚШ очик чемпионатлари), соврин жамғармаси 2 миллион долларга тенг мавсумни яқунловчи WTAнинг жаҳон чемпионати, шунингдек тўрт тоифадаги турнирларни ўз ичига қамрайди.

«Tashkent open» номини олган аёллар мусобақаси туртинчи даражада деб белгиланган. 1999 йилда унинг соврин жамғармаси 112,5 минг АҚШ доллари бўлиб, ҳозирда 140 минг долларгача ошган. Бу эса 1996 йилда ташкил этилган биринчи аёллар Челленжеридан бир неча баробар юқоридир.

Биринчи турнирда Германиялик Катрин Килш қутилмаганда зўр ўйин кўрсатганди. Асосий турга саралашдан чиқиб, Катрин бир неча даврада яхши беллашди. Унинг синглиси Коде Килш ҳам қолишгани йўқ. Юқори рейтингли исроиллик Гила Розен ва украиналик Елена Татарковани енгиб, финалда австралиялик Патриция Вартуш билан учрашди. Аммо сўнгги поғонада рақибидан панд еди.

Иккинчи турнирнинг соврин жамғармаси 50 минг долларга етди. Унда асосан иккинчи юзликдаги теннисчилар қатнашишди. Исроиллик Анна Смашнова сўнгги — финал поғонасигача турнирнинг биринчи ракетаси австралиялик Сильвия Плишкедан ҳам устун келиб бор маҳоратини ишга солган бўлса-да, шохсупа тўри мексикалик Анжелика Гавальдонга насиб этди. Учинчи турнирга ҳаттоки Франция очик чемпионатида қатнашган теннисчилар ҳам ошиқшишди, шу жумладан япониялик Харука Инуэ, америкалик Мейганн Шогнесси, австралиялик Аннабель Эллууд, француз спортчиси Ноэль ван Лотрум, москвалик

Екатерина Сисоева ҳам. Аммо бу сафарги турнирга биринчи Челленжер қолиби Патриция Вартушнинг келиши катта воқеа бўлди десак адашмаймиз. 1997 йилги «Tashkent open»га Патриция битириш имтиҳонлари туфайли келолмаганди. Шундай бўлса ҳам ўз муваффақиятини галдаги турнирда тасдиқлашга эришди.

— Тошкент мен учун иккинчи ватаним бўлиб қолди, — деди финал беллашуви матчида сўнг ҳаяжон билан Патриция. — Мен бу ерда яхши ўйнаяман, шунинг учун ҳам қолиб чиқаялман. Венадаги уйимда илгари бу ерда қўлга киритган совриним энг фахрли жойини эгаллаган бўлса, ёнида иккинчи совринга ҳам жой топилади...

Дарҳақиқат, айнан учинчи турнирда галдаги мусобақа нуфузини ошириш ҳақида гап борганди. Ва шундай бўлди ҳам. 1999 йилда, поғонама-поғона кўтарила бориб, Тошкент аёллар турнири 2003 йилда 30 ёшга тўлган WTA Тоуг — Бутунжаҳон аёллар теннис ассоциациясининг тури даражасидаги мусобақалари қаторидан ўрин эгаллади.

WTA рейтингда 75-бўлган Тўлаганова тезда ва ишончли равишда шу ўрин билан кифояланмаслигини кўрсатди. 2001 йилнинг баҳорида буни биринчилардан бўлиб ҳис этган машҳур америкалик теннисчи Селена Уильямс эди. Кучли ракетка устаси ўзбекистонлик қизга Индиан-Уэльсда ютказиб қўйишига оз қолганди. Страсбургдаги мусобақада Мари Пирсдан қолиб келиши Тўлаганованинг нияти жиддийлигидан далолат берди.

2001 йилнинг ёз мавсумида айниқса мароқли ва жозибали воқеалар юз берди. Тошкентдаги очик чемпионатда 2000 йилги галабасини такрорлай олманг Ирода гуё барча руҳий «кишан»лардан озод бўлди. Уимблдон турнири арафасида Голландиянинг Хертогенбош шаҳрида ўтказилган мусобақада Ирода 12-ўринда бўлган Сидней олимпиа-

даси финалчиси Елена Дементьева устидан катта шов-шувга сабаб бўлган галаба қозонди. Кейин эса руминиялик Руксандра

онлик унвонини ва рейтинг жадвалида 24-ўринни келтирди. Тошкентлик қизнинг йўлида турган рақиблар орасида Венада Елена Дементьева, Паола Суарес, Патти Шнидер, Кнокке-Хейстда эса Анжела Монтолио ва

ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИСИНING ИФТИХОРИ

1999 йилда ёшлар ўртасидаги энг машҳур «Катта дубулга» туркумига кирувчи Англия очик чемпионатида галаба қозонгани учун Иродани Уимблдон маликаси деб аташганди. 17 ёшли теннисчи болалик билан хайрлашиб, катта ҳаётга қадам қўйишни ана шундай тантанавор бошлади. 2000 йилда эса Тошкентдаги галабаси ва Шанхайдаги мусобақада финалга чиқиши билан у ўзини яна бир бор кўрсатди.

Драгомирни ҳам енгиб ўтиб, WTAнинг 38-рейтингдаги россиялик Татьяна Пановани ҳам ютди. Сўнг Лондондаги турнирда инглиз ўйинчиси Лорна Юдрофф ва италиялик Адриана Зерра-Занетти устидан галаба қозонди ва «Катта дубулга» турнирининг учинчи даврасига чиқди. WTA рейтингда кўтарилла бориб биринчи эллитикалда 48-ўринни эгаллади.

Теннис маликаларини Уимблдондан кейин Вена ва Бельгия, Кнокке-Хейст турнирлари кутар эди. Кетма-кетига қозонилган ўнта галаба Тўлагановага икки чемпи-

Ким Кластерлар бор эди. Айниқса жаҳон миқёсида олтинчи ўринни қайд этиб турган бельгиялик Кластерсдан Ирода Тўлаганова Бельгиянинг мустақиллиги куни 6/0 ва 6/4 ҳисобида устун келгани кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Бу ютуқ жаҳон теннис олами чўққисига кўтарилганда чоғланган ўзбек қизининг имкониятлари қанчалик улкан эканини яна бир қарра намойиш этди.

— Теннис турнирларида қолиблар шарафига байроқлар кўтарилмайди, — дейди Ирода. — Уимблдонда бўлиб ўтган қизлар турниридаги ютугим туфайли Ўзбекистон Президентидан табрик олганимдан сўнг мен ўз галабаларим билан Ватаним учун оз бўлса-да шараф келтираётганимни англадим. Юртбошимизнинг «Қизим Иродадон» дея менга мурожаат этганлари мени жудаям тўлқинлантириб юборди. Ахир Ислам Абдуганиевич Ўзбекистон спортчи ривожини учун кўп ишлар қила-яптилар! Бизнинг ютуқларимиз бунга жавобан озгина миннатдорчилик холос...

Шундайдир балки. Бирок, Ироданинг эришган муваффақиятлари билан айни пайтда Ўзбекистонда ҳеч ким тенглаша олмайди. У ҳамон Ўзбекистон теннисининг ёрқин юлдузи бўлиб қолмоқда.

Мари-Гаяне
Микаэлян — 19
ёшда. Швейцариянинг Лозанна шаҳрида туғилган. Профессинал теннисда бешинчи мавсумни ўтказётган бўлса, ҳар сафар рейтинг даражаси ошиб бормоқда.



МАРИ-ГАЯНЕ МИКАЭЛЯН — «TASHKENT OPEN—2002» ФОЛИБИ


Микаэлян Тошкент турнирида 2001 йилда биринчи мартаба иштирок этди ва дарҳол кўпчилик теннис ихлосмандларининг назарига тушди. Саралаш босқичидан асосий турнирга чиқиб, ярим финалда ўйинини бўлажак «Tashkent open» турнири қолиби Германиялик Бьянко Ламадега бой берди. Шундай бўлса-да, Тошкентдаги мусобақада кучлилар тўртлигида чиқиши Микаэлянга WTA рейтингда 253 ўриндан 175 ўринга кўтарилганга имкон берди. Сўнгра у Базелдаги турнирнинг финалига чиқди ва 108-ўринга кўтарилди. Цюрихда эришган муваффақияти (нимчорак финалгача етди) Мари-Гаяне учун қутилмаганда шухрат келтирди — у жаҳоннинг энг кучли юзта теннисчиси қаторидан жой олди.

2002 йилда Тошкентда бўлиб ўтган турнирда эса Мари-Гаяне Микаэлян мurosасиз ўтган беллашуларда барча рақибларини енгиб қолибликни қўлга киритди.

Мари-Гаяненинг мураббийлари ота-онаси — Маргарита ва Жорждир. У турли қопламдаги кортларда бирдай ўйнайди, аммо гилам қопланган кортларни хуш кўради.

Микаэлянлар оиласида яна уч фарзанд бор — Кристоф, Александр ва Мари-Гаяненинг катта опаси Виктория. Ёш теннисчи арман миллий таомларини хуш кўради, арман мусиқаси ишқибози, астрономияга қизиқади.

Бу йилги Тошкент турнирида ҳам у қолибликка даъвогар энг кучли теннисчилардан саналади.



Ўзбекистон Теннис федерацияси материаллари асосида
Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА тайёрлади

Спорт

«АЛГОРИТМ» — КУБОК СОҲИБИ

Ўзбекистон Миллий университети спорт комплексида бир hafta давомида кўл түпи бўйича аёллар ўртасида Мустақиллик Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Турнирда шахримизнинг «Алгоритм», БУМОСМ-5 ва Ўзбекистон Миллий университети кўл түпи усталари билан бирга «Университет» (Бухоро), «Самарқанд» (Самарқанд) «Иқтисодчи» (Наманган), «Сирдарё» (Сирдарё), ОТМК (Олмалик), шунингдек қўшни Қозогистоннинг Чимкент вилоятидан ташриф буюрган «Чимкент» жамоалари галаба учун бахс юритишди.

Қизқарли ва муросасиз кечган курашлардан сўнг голиблар аниқланди. Шахримизнинг «Алгоритм» жамоаси барча рақибларини доғда қолдириб хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди ва Мустақиллик Кубоги билан тақдирланди. Шунингдек, турнир голиб ва совиндорларига олтин, кумуш ва бронза медаллари, Фахрий ёрликлар, ҳомий ва ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари ҳам топширилди.

ШАХМАТЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Қозогистоннинг Павлодар шаҳрида эркалар ўртасида жаҳон чемпионатининг минтақавий турнири якунланди. Унда Марказий Осиё Республикаларининг 12 нафар шахматчиси кейинги босқич мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи иккита йўлланма учун кураш олиб боришди.

Шуни айтиш керакки, минтақавий турнир беллашувлари жуда кескин кечди. Йўлланмалар соҳиблари фақат охириги тур баҳсларидан кейин ойдинлашди. Хамюртимиз Шухрат Сафинга кейинги босқичга ўтиш учун охириги баҳсда фақат галаба қозониш лозим эди. Бироқ у қора доналарни сурган ҳолда ўйинни рақибига бой берди.

Натижада қозогистонлик шахматчилар Евгений Владимиров ва Павел Коцюрлар 11 имкониятдан 8,5 тадан очко жамғарган ҳолда кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритдилар. Хамюртларимиздан Тоҳир Воҳидов, Сайдали Йўлдошев ва Антон Филипповлар турнирда бешинчи, олтинчи ва тўққизинчи ўринларни эгаллашди.

(Ўз мухбиримиз)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Гидрометеорология Бош бошқармасига қарашли Тошкент гидрометеорология техникуми жамоаси техникум ходими Абдурахим Шокировга волидаи мухтарамаси **Нури ТОЛИБЖОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзоҳ этади.

• ФУТБОЛ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимизда кўплаб спорт турлари бўйича нуфузли мусобақаларни ўтказиш анъанага айланган. Яқинда Тошкентда теннис бўйича Осиё чемпионати зўр муваффақият билан ташкил этилган эди. Шу кунларда пойтахтимиз яна бир нуфузли мусобақа — ампутант-ногиронлар ўртасида футбол бўйича VI жаҳон чемпионатига мезбонлик қилмоқда.

Тошкентдаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуи стадионида мазкур чемпионатнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг ампутант-ногиронлар ўртасида футбол бўйича VI жаҳон чемпионати қатнашчилари ва меҳмонларига табригини давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К.Юсупов ўқиб эшиттирди.

— Гўзал ва бетакрор юртингизда ҳар қандай спорт тадбирлари юқори савияда ташкил этилишини биламан, — деди Ногиронлар халқаро футбол федерацияси президенти Томас Фёллер. — Дунёнинг энг кучли терма жамоалари иштирокида ўтказилаётган мазкур жаҳон чемпионати ҳам иштирокчиларга хотирасида узоқ йиллар сақланиб қолади.

Шундай қилиб, ампутант-ногиронлар ўртасида дунёдаги энг номдор — Бразилия, Россия, Украина ва Ўзбекистон терма жамоалари иштирокида жаҳон чемпионати бошланди.

Биринчи турда Ўзбекистон терма жамоаси украинлик футболчиларга қарши майдонга тушди. Кескин ва муросасиз кечган баҳс 3:1 ҳисобида футболчиларимиз фойдасига ҳал бўлди. Ўтган галги жаҳон чемпионатида энг яхши тўпурар совинини кўлга киритган хамюртимиз А.Шукуров меҳмонлар дарвозасини икки бор аниқ нишонга олган бўлса, А.Абдурахмонов учинчи голни киритди.

Украиналикларнинг жавоб түпи Д.Шафалик ҳисобига эзилди.

Бразилия ҳамда Россия терма жамоалари ўртасидаги учрашувда Клаудио ва Элизео йўллаган голлар бразилияликларга галаба келтирди — 2:0.

Мусобақалар давом этмоқда.

(ЎЗА)

**ҲУМА?
КАЧОН?
КАЕРДА?**

6—12 октябрь

Бугун — Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Такдир» номли янги ўзбек бадиий фильми соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30 да намойиш этилади.

Бугун — Халқлар дўстлиги саройида севимли хонанда Азамат Шариповнинг янги концерт дастури намойиш қилинади. Концертда «Хандалак» ижодкорлари З.Очилдиев ва О.Султонов, шунингдек, «Нихол» мукофоти совиндорлари Аҳмад Солиев қатнашдилар. Концерт дастури соат 18.00 да бошланади.

7 октябрьда:

• Ўзбек Миллий академик драма театрида С.Имомов асари «Шайтон ва фаришта» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

• Аброр Ҳидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театрида М.Ҳасанов асари «Ёрим кетаман дейди» спектакли соат 15.00 да кўрсатилади.

8 октябрьда:

• Республика киночилар уйида «Қоронғулик тушмоқда» бадиий фильми соат 12.30, 17.00, 21.30 да, «Ҳар нарсага қодир Брюс» комедия фильми эса соат 15.00 ва 19.30 да намойиш этилади.

• Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида Р.Мадиев асари «Такдир» спектакли соат 18.00 да бошланади.

9 октябрьда:

• Ўзбек Миллий академик драма театрида А.Орипов асари «Пири коинот» спектакли соат 18.00 да кўрсатилади.

• Йўлдош Охунбоев номидаги республика Ёш томошабинлар театрида «Оловуддиннинг сеҳри чироғи» спектакли соат 11.00 да бошланади.

10 октябрьда:

• Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик Катта театрида М.Ашрафийнинг «Севги тумори» балети соат 18.00 да намойиш этилади.

• Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида К.Аваз, К.Комиллов асари «Диёнатга хиёнат» спектакли соат 18.00 да бошланади.

11 октябрьда:

• Аброр Ҳидоятлов номидаги ўзбек давлат драма театрида соат 15.00 да «Драма актёрлари куйлайди».

• Ўзбек Миллий академик драма театрида У.Азимнинг (Ғафур Фулом асарлари асосида) «Ўтган замон ҳангомалари» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

12 октябрьда:

• Республика кўғирчоқ театрида «Ер ости бойликлари» спектакли соат 11.00, 13.00 да бошланади.

• Тошкент Давлат мусиқали комедия (Оперетта) театрида С.Мухамедов асари «Араб тангоси» спектакли соат 17.00 да намойиш қилинади.

• Йўлдош Охунбоев номидаги республика Ёш томошабинлар театрида «Минг бир кеча» спектакли соат 11.00 да бошланади.

Сувда сузадиган қушларни қузатган бўлсангиз улар кўпинча сувга унчалик ботмаган бўлади. Бундай ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?

Қушнинг гавдасини ўраб олган қалин патлари орасида ҳаво бўлгани учун ҳам у сувни ўтказмайди, гўё дам солинган машина филдираги каби қуш сувнинг юзиде сузиб юради.

Айрим йирик денгиз қушлари кўпинча денгизда сузиб юрган кема-ларга ажралмас йўлдош бўлиб, уларнинг орқасидан қолмасдан учиб юради, бунда қушлар кема-ни соатлаб эмас, балки 2-3 кунлаб ҳам тарк этмайди. Қизиғи шундаки, қушлар кема билан биргаликда узоқ-узоқ масофани босиб ўтса-да, амалда жуда кам куч сарф қилади, яъни улар деярли қанот қокмасдан учади. Ўринли савол туғилади — бунда қушлар қайси бир манба ҳисобидан ҳаракат қилади? Шу нарса аниқландики, қушлар кемадан биров бўлсада орқароқда учиб, шамол йўналишини томон ўтиб олади, яъни кема ўтхонасидан чиқаётган иссиқ буғлар қушларни маълум баландликда ушлаб туришга етарли экан. Бунда қушлар қулай жойни хатосиз танлаб учадилар, яъни машина ўтхонасидан чиқаётган иссиқ шамол йўналишини қаерда кўп бўлса ўша жойни танлайдилар. Агарда қушлар баъзи бир сабабларга кўра, яъни ўлжа туфайли алаҳсид

ортада қолиб кетса, ўзининг кучли қанотларини ишга солиб кемага етиб оладилар.

Ер юзиде учувчи баъзи бир қушлар қанотларини ишга солмасдан оҳисталик билан юқорига кўтарилди. Асосан бундай парвоз вақт йўналишида юз беради, ана шундай ҳоди-

қўтарилишга сабаб бўлади. Тўлқин туфайли юқорига кўтарилган қуш яна пастга қараб ҳаракат қила бошлайди, шундай қилиб яна навбатдаги тўлқин бўлишини кутади. Демак, альбатроснинг тўлқинсимон ҳаракати денгиз тўлқинлари билан биргаликда синхрон равишда амалга ошади.

Билсангиз, агар қудуққа тушиб қолган қуш у ердан учиб кетолмайди, сабаби қуш тикка йўналишда уча олмайди у фақат спирал йўналишда парвоз қилиши мумкин. Ўрдаклар бўлса қаҳратон совуқда ҳам сувга киришга интилади, сабаби сув харорати атроф-муҳитга қараганда бирмунча юқори бўлади. Совуқ кунлари қушлар бир

• ТАБИАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

ДЕНГИЗ КЕМАСИ ЙЎЛДОШЛАРИ

са қайси бир кучлар эвазига содир бўлишига эътибор қаратайлик. Гап шундаки, қуёш нури таъсири остида ер юзининг турли қисмлари ҳар хил даражада исийди. Ернинг яхшироқ қизиган жойларида юқорига кўтариладиган иссиқ ҳаво оқимлари пайдо бўлади. Ана шу иссиқ ҳаво қушнинг юқорига кўтарилишини таъминлайди.

Альбатрос сув тўлқинларидан унча узоқ бўлмаган баландликда парвоз қилади, бунда у денгиз тўлқинлари энергиясидан фойдаланади. Сув тўлқинлари туфайли ҳосил бўлган ҳаво оқимлари юқорига кўтарилиб маълум энергия ҳосил қилади, бу эса қушнинг ҳаракат қилиши ва юқорига

ерда турганидан кўра учиб кетаётганида совуқ қотади. Бунинг сабаби қуш парвоз қилганида унинг қанот патлари сиқилган бўлади, яъни патлар орасидаги ҳаво камайиб қолади, натижада улар кўпроқ иссиқ йўқотади. Оқибатда улар учиб кетаётганида музлаб қолади. Маълумки, ёмғир ёғиши олдиндан қалдирғочлар пастлаб учади, чунки бундай вазиятда ҳашаротларнинг қанотлари ҳам оғирлашади, яъни шудринг тушади. Демак ҳашаротларни овлайдиган қалдирғочларнинг пастлаб училишининг боиси ҳам ана шунда.

Яҳё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.



Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акmal AKPOMOB

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4204 нускада босилди. Қозог бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.
Наир кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатта олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.